

декабрь 2018

Янги йилнинг муборак бўлсин!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN



52
(1370)-son
28-dekabr
2018

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

БОЛАЖОНЛАРГА СОВГАЛАР

"Ўзбекистон почтаси" АЖ филиаллари ходимларининг 3355 нафар фарзандларига Янги йил совғалари берилади **2-бет**

АВВАЛ ҚАНЧА ЭДИ, ЭНДИ ҚАНЧА ТЎЛАЙМИЗ?

2019 йил 1 январдан солиқлар миқдори ўзгарди **3-бет**

В ПРЕДДВЕРИИ НОВОГО ГОДА

Внедрение цифрового телевидения в Узбекистане завершилось! **6-бет**

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

"Яхши яшайлик" **7-бет**

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ГМО!

Ҳақиқат ва афсона **8-9-бетлар**

2018 ЙИЛ:

Энг, энг, энг... **15-бет**

СОЛИҚ КОДЕКСИ

2019 йил 1 январдан:

- жисмоний шахннинг даромадларига **12 фоиз** ли ставка бўйича солиқ солинади.
- юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари:
 - юридик шахслар – **12 фоиз;**
 - тижорат банклари, цемент, полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчи ҳамда мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар – **20 фоиз;**
 - дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга **5 фоиз** ли ставка бўйича солиқ солинади.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ БАЙРАМОНА ТУСГА КИРДИ

Тошкент шаҳри аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари учун Янги йил тўғриси ҳозирланди!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва "Радиоалоқа, радиозиттириш ва телевидение маркази" ДУК ҳамкорлигида Тошкент телеминорасининг иллюминацион ёритиш лойиҳаси амалга оширилди.

Бу Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилаётган "Тунги Тошкент" лойиҳасининг кўркем қисми бўлади.

Лойиҳа доирасида телеминорага замонавий светодиодли 138 дона прожектор, 128 дона чизиқли ёриткич, 3000 дона ёниб-ўқувчи чироқ, уларни уловчи кабеллар ва электр таъминоти ускуналари ўрнатилди.





ТАТУ ЎҚИТУВЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА “ЙИЛ АЁЛИ” ДЕБ ТОПИЛДИ

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 декабр куни янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабр куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Шу куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифини вақтинча бажариб келаётган Жаҳонгир Ортиқхўжаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 25 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати биносида мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалдорлигига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

➤ Штаб квартираси Сеулда жойлашган Осиё журналистлари ассоциацияси (ОЖА) Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни “2018 йил одами” деб эълон қилди. Мамлакатимиз раҳбари сиёсий йўналиш бўйича ғолиб, деб эътироф этилган.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 декабр – Император таваллуду куну муносабати билан Япония Императори Акихитони ҳамда 24 декабр куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни таваллуд айёми муносабати билан табрикклди.

➤ Мамлакатимизда 26 январ – Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари куну, апрел ойининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари куну этиб белгиланди. Бу ҳақдаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Сенат томонидан маъқулланган Қонунларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев имзолади.



Тошкент шаҳридаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида “Йил аёли-2018” миллий танловни ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. “Йил аёли-2018” танловининг худудий босқичлари жо-

рий йилнинг 1-10 декабр кунлари ўтказилиб, унда туман ва шаҳарлардан 800 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Танлов якунларига кўра, Саида Бекназарова “Гран-при” соҳибаси бўлди. Саида Бекназарова Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Аудиовизуал технологиялар” кафедраси доценти, техника фанлари доктори. Мултимедиа тизимларида дискрет-узлуксиз ахборот ресурсларга ишлов бериш, қайта ишлашнинг усул, алгоритмлар ва дастурий таъминотларни яратиш жараёнларини моделлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлари юзасидан жами 169та илмий ишлари хориз ва мамлакатимиз нуфузли журналларида чоп этилган. 9та дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар муаллифи. Ахборотларни қайта ишлаш, узатиш жараёнларида бир вақт мобайнида узлуксиз матн, аудио, видео маълумотларини йўқотишларсиз сифатли етказиб беришга қаратилган 15та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган гувоҳномалар муаллифи. Нютон медали соҳибаси.

Биринчи ўринга Хоразм

вилояти Гурлан тумани Халқ таълими бўлимининг маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий ҳимояси бўйича шўъба раҳбари Феруза Сафарова лойиқ деб топилди.

Фаргона вилояти аёллар ва болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Фурқат асл либослари” хусусий корхонаси раҳбари Умидахон Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади.

Самарқанд давлат университети “Экология” кафедраси доценти, фидойи ва малакали устоз “Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамияти” аъзоси Лейля Белялова учинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Танловда, шунингдек, “Йилнинг энг ватанпарвар аёли”, “Йилнинг энг фаол оlima аёли”, “Йилнинг энг илгор талбиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши ижодчи аёли”, “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли”, “Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг фидойи шифокор аёли”, “Йилнинг энг жонкуяр устози”, “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи ташкилотчиси”, “Йилнинг энг янги гоёлар ташаббускори” номинишлари бўйича ғолиблар тақдирланди.

ЭЪТИБОР

БОЛАЖОНЛАРГА СОВҒАЛАР

“Ўзбекистон почтаси” АЖ филиаллари ходимларининг 3355 нафар фарзандига Янги йил совғалари берилди

Юртимиз тараққиёти, унинг жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўринга эга бўлиб бориши кўп жиҳатдан бугун камолга етаётган ёшларнинг ақл-заковати, билим-тафаккури ва ғайрат-шижоатига боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимизда навқирон авлод тарбиясига энг устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келиняпти.

Бундай юксак эътибору гамхўрлик огушида камолга етаётган фарзандларимизнинг Янги йилни кутиб олишга бағишланган турли кўнгличар тадбирлар бошланиши олди-дан ўзгача шодланишлари, байрамни сабрсизлик билан кутишлари катталарга хуш-кайфият бағишлаб, болаларни нималар биландир хурсанд этишга бўлган ҳаракатларига сабаб бўляпти.

Зеро, шу кунларда мамлакатимизнинг барча худудларида, маданият ва санъат саройларида Янги йил байрами тадбирларига қизгин тайёргарлик кўриляпти. Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида айём томошалари учун эртақмонанд безатилган майдонлар

кичкинтойларимизга олам-олам хурсандчилик бағишлашга шайланган.

Ахир, Янги йил нафақат болалар, ҳатто катталар ҳам ниятлари ижобат бўлишига ишонадиган эртақмонанд байрам. Ахир бу кунда улар болалик аталмиш эртақнинг бош қахрамони — Қорбобо билан учрашадилар-да!

Ана шундай кунларда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши “Ўзбекистон почтаси” АЖ филиаллари ходимларининг 3,5 мингга яқин 1-12 ёшли болажонларига Қорбобо совғаларини етказиш юзасидан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда “Alskom” сугурта компаниясига таклиф билан чиқди. Мазкур таклиф ҳар иккала ташкилот раҳбарияти томонидан сўзсиз маъқулланиб, совғаларни ташкиллаштириш учун тегишли молиялаштириш ишлари амалга оширилди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ филиаллари ходимларининг

3355 нафар фарзандлари учун Янги йил совғалари Тошкент вилоятига автотранспорт, Андижон, Наманган, Фаргона, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларига темир йўл транспорти, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларига “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг самолётлари орқали жорий йилнинг 24-25 декабр кунлари жадвал асосида етказиб берилди.

Совғалар 27 декабрдан бошлаб “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар филиалларида Янги йил байрамга бағишланиб ўтказиладиган тадбирларда кичкинтойларга тантанали топширилади.

Болалар учун беғубор орзу-умидлар байрамга айланган Янги йил арафасида жойларга етказиладиган турли ширинликлардан иборат Янги йил совғалар кичкинтойлар учун унутилмас тўхфа бўлиб, қувончига қувонч қўшади, албатта.

Ўз мухбиримиз



АВВАЛ ҚАНЧА ЭДИ, ЭНДИ ҚАНЧА ТЎЛАЙМИЗ?

2019 йил 1 январдан солиқлар миқдори ўзгарди

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Солиқдаги ўзгаришлар

Хусусан, Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан:

- жисмоний шахснинг даромадларига 12 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.
- юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:
- юридик шахслар — 12 фоиз;
- тижорат банклари — 20 фоиз;
- цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар — 20 фоиз;
- полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар — 20 фоиз;
- мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар — 20 фоиз;
- дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга 5 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Эслатиб ўтамиз, илгариги тартиб бўйича жисмоний шахсларнинг даромадига қуйидагича солиқ солинган:

- даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваригача бўлган қисмига — 0 фоиз;
- даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача қисмига — 7,5 фоиз;
- энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача қисмига — 16,5 фоиз;
- даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари ва ундан кўп қисмига — 22,5 фоиз.

Солиқ текширувларининг турлари белгиланди

Солиқ кодексига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, мавзули экспресс-ўрганиш солиқ назорат шакли сифатида киритилди. Бу ҳақда “Хуқуқий ахборот” канали хабар берди.

Мавзули экспресс-ўрганиш камерал назорат натижалари

бўйича жойига чиққан ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун амалга оширилади.

Солиқ текширувларининг турлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

● тадбиркорларнинг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар;

● ваколатли органни хабардор қилиш тартибда ўтказиладиган текширувлар. Илгари режали ва режалдан ташқари текширувлар амалда бўлган.

Ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар кирди:

- молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш);
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида ўтказиладиган текшириш ёки таваккалчиликни таҳлил этиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органлари ташаббусига кўра текшириш.

Ваколатли органни хабардор қилиш тартибда ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар кирди:

- юридик шахс тугатилиши билан ўтказиладиган текшириш;
- рухсатномаларсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилинишини текшириш;
- қалбаки акциз маркази ёки акциз маркази мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини текшириш;
- тақиқланган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши фактларига барҳам бериш бўйича текширув;

● ўз фаолиятини расман тўхтатиб турган давр мобайнида яққа тартибдаги тадбиркор-

лик фаолиятини амалга оширишни давом эттираётган жисмоний шахснинг фаолиятини текшириш.

Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Мутахассис шарҳи

Солиқ сиёсатидаги ислохотлардан нималарга эришилди?

Тадбиркор, “Korzinka.uz” тармоғи раҳбари Зафар Ҳошимов солиқ ва божхона ислохотларига муносабат билдирди:

— Қатор ўзгаришлар сифатида амалдаги қонунчилигимизда қайд этилган солиқ ва божхона тизимидаги янгиликлар ватанимизда ҳамон иқтисодий ислохотлар жадал давом этаётганлиги далили, деб айтишимиз мумкин.

Қабул қилинган қадамлар ҳақида ўзаро тафовутли шарҳлар, баъзи ҳолларда эса ҳатто бир-бирига зид келаётган фикрлар янграса-да, булар орасида, иқтисодий ислохотларни янада тезроқ ва қатъийроқ олиб бориш тарафдорлари билан бир қаторда, эски тизимни сақлаб қолиш керак эди, деб ўйлайдиганлар бор эканлигига эътибор бериш лозим. Ҳар иккала тоифа вакиллари томонидан бўлган кўплаб танқидларни инобатга олганда ҳам, қабул қилинган қарорларни умумий қилиб — ижобий, деб баҳолаш керак.

Солиқ ва божхона сиёсатида йўналтирилган ислохотлар кетидан алалоқибат нималарга эришилди:

● Меҳнат солиғи ҳам иш берувчилар, ҳам ишчилар учун мақбулроқ шаклга келди;

● Компаниялар ўсиши учун салбий таъсир кўрсатиб келган айланма маблағлардан олинмайдиган солиқлар бекор қилинди;

● Иқтисодий тизимни заифлаб, норақотбатбардош қилувчи, саноат ишлаб чиқаришини сезиларли парчалаб келган, ишлаб чиқаришни ниҳоятда ривожланмаган, унинг маҳсулотларини эса қиммат қилган солиқ тури — ЯСТ (ягона солиқ тўло-

ви) кўплаб корхоналар учун энди ўтмишда қолди;

● Даромад ва дивидендлардан олинмайдиган солиқлар камайtirилди;

● Кенг турдаги товарлар асортиментига акциз солиқлар камайtirилди ёки буткул бекор қилинди, шунингдек, кенг турдаги маҳсулотларга божлар камайtirилди ёки буткул олиб ташланди;

● Божхонада юкларни расмийлаштириш жараёнида бир қатор йирик енгилликлар, соддалаштиришлар ҳамда мукамаллаштиришлар кучга кириш арафасида;

● Бир қатор фаолият турларига лицензиялар бекор қилинди, жумладан, асосийлари қаторида улгуржи савдо лицензиялаш тартиби бекор қилинди. Бошқа бир қатор фаолият турларига эса лицензия олиш бошланғич талаблар ҳамда лицензия бериш учун кетадиган вақт камайtirилди, лицензиялар яроқлик муддати узайtirилди;

● Давлатнинг иқтисодий сиёсати анча шаффоф кўриниш олди: биз эндиликда турли ОАВлар орқали бундан икки йил аввал ҳатто орзу қилиб ҳам бўлмайдиган давлатнинг макро-иқтисодий ва монетар сиёсати ҳақида ахборот ва маълумотларни мунтазам равишда олиб турибмиз.

Қабул қилинган чора-тадбирлар рўйхатини шу йўсинда узоқ давом эттириш мумкин.

Ислохотлар — бу, албатта, келажак сари чорловчи катта йўл. Бу — шижоат, бутун бир халқнинг оммавий меҳнати саналади. Мукамаллик фақат Ўзига хос бўлган бу дунёда, ривожланишнинг асл маъноси мунтазам равишда оз-оздан бўлса-да, тўғри йўналишда ишонч йўқотмасдан, ҳафсалани пир қилмасдан, қийинчиликларга бош эгмасдан қатъий қадам босиб боришнинг ўзидир.

Йил охири, унинг натижалари, кутилган ва амалга оширилган амаллар ҳақида ҳулосаларим ва ўйларим шулардан иборат.

“Оптимизмни, келажакка бўлган ишончни сақлаб қолдиргимиз?” деб сўрасангиз, “Ҳа. Шақ-шубҳасиз”, деб жавоб бераман.

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

**Бахтиёржон МАДАТОВ,
Қўқон ШТБ кабел пайвандловчиси:**

— Янги йилни ўзгача руҳиятда, бир-бирдан ёқимли ниятлар билан кутаман: Янги йилда, ундан кейинги йилларда ҳам ҳаётимиз янада яхшироқ кечадди, оиламизда тинчлик, тўқинчилик барқарор давом этади, ҳа, янада яхшироқ яшаймиз, яхшироқ ишлаймиз...

Айни дамда ҳаммамнинг ҳам кўнглидан шу тилаклар ўтаётгандир. Ахир инсон зоти борки, эртасини бугундан фаровонроқ, мазмундорроқ бўлишини истайди, шунга интилади. Айниқса, биз қўқонликлар учун 2019 йил тарих зарварақларига ёйиладиган йил бўлиб қолади: Қўқон сити барпо этилади, мустақиллигимизнинг 28 йиллигига “Хунармандлар маркази” қурилиб, ишга туширилади. 9та меҳмонхона қуриляпти... Бунёдкорлик ишларининг барини санаб адоғига етиш қийин. Кўриб турибсизки, биз, телекомчилар елкасида турган ишлар салмоқли. Уларни ўз вақтида аъло даражада адо этишимиз керак. Эсончилик бўлса, мен ана шу бунёдкорлик ишларида ҳам ҳар доимгидек барча ишларни пухта ва аниқ бажараман. Шаҳримизни туризм ривожланган энг қулай шаҳарга айлантиришдек олижаноб ишларда фаол иштирок этман, элу юртимга, ҳамшаҳарларимга ҳақиқий мадад бўламан.

Филиалимизда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллиги тантанасида барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида ишлаётган оддий ишчилар, кабел пайвандловчилар, электромонтёрларга “Фидокорона меҳнатларингиз учун раҳмат!”, дея совғалар топширилгани, росоти, мен учун сира кутилмаган воқеа бўлди. Ажойиб, устозларим Баҳром ака Азимов ҳамда Музаффар ака Аҳмедовлар сафида мукофотландим. Мен улар учун қувондим, улар мен учун. Эътибордан бошимиз осмонларга етди. Қадр топшилик севинчи деб шунга айтсалар керак. 2018 йил биз оддий ишчилар учун яхши келди. Маошимиз оширилди. Бунинг учун вазирлигимиз ва компаниямиз раҳбариятидан миннатдоримиз. Ҳалол меҳнатларимиз билан соҳа ривожига ҳисса қўшаётганимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, кириб келаётган Янги — 2019 йил билан юртимиздаги барча ҳамкасбларимизни чин юракдан табриклайман. Оилаларига тинчлик, дастурхонларига тўқинчилик, соҳамизни ривожлантириш йўлидаги ишларида улкан зафарлар тилайман. Янги йилнинг кутлуғ бўлсин, азизлар!

**Абдуллажон ҚУРБОНОВ,
Марғилон ШТБ 37-АТС линия муҳандиси:**

— Йилимиз чиройли якунланаётгани айни муддаодир. Филиалимиз раҳбарлари ҳамда касоба уюшмаси қўмитамиз бошлаган савобли ишларни давом эттирадилар, деб ишонимиз. Винобарин, инсон қадр-қимматини юқорига қўйиш, иззат-икромлаш фақат ва фақат эзуликка хизмат қилгусидир.

Ўтиб бораётган йилда АТСимиз бўйича абонентларимиз 10500 нафарга етди. 37-АТСимизнинг 608 рақами Янги Фарғона кўчаси 99-уйга кўчирилмоқда. Ижодкорлар боғига, ЎзМобайлни ривожлантириш учун ва қатор хизмат уйларида жами 22 км. оптик толали кабел ётқизилди. 312 портга тенг 13та SWITCHлар ўрна-

тилди. Мақсад интернет фойдаланувчилар сонини кўпайтириш ва хизматлар сифатини кескин яхшилашдир. Наврўз, Баҳмал, Райҳон, Садкак кўчаларида яшовчилар ҳам ҳадемай замонавий қурилма афзалликларидан баҳраманд бўлишди, интернетдан фойдаланувчилар кўпаяди, деган умиддамиз.

Диёримиздаги барча алоқачиларни Янги йил билан табриклаётганимдан бахтиёрман. Янги йил ҳар бир оилага бахту иқбол, соғ-омонлик, чексиз шодумонликлар келтирсин. 2019 йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Ҳафиза
САЛЯҲОВА ёзиб олди



**Ҳамроқул АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона ШТБ кабел пайвандловчиси:**

— Мен ҳам Янги йилимизни дилда олий ниятлару ширин тилаклар билан кутиб оляпман. Йигирма йиллик кабел пайвандловчиман. Касбим ўзимга жуда ёқади.

2018 йилда боғламамизда кўп хайрли ишларни бажара олдик. Анча тўпланиб қолган муамоларга ечим топилди. Ермозор МФИда 50та, яна бир қанча маҳаллалардаги 65та, жами 115та телефонни тиклашга муваффақ бўлдик. Энг муҳими, абонентлар сонини 1181тага кўпайтириб, ўттиз минг ўттиз тўрттага етказдик. Даромад режаларимизнинг ошириб бажаришда менинг ҳам камтарона хизматларим борлигидан, реал, аниқ таклифларим билан филиалимиз ишига барака киритаётганимдан беҳад мамнунман.

Яқинда Илғор МФИ ҳудудига MSAN қурилмаси ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Ҳарбийлар яшаётган янги кўп қаватли уйлارга, хонадонларга FTTx лойиҳаси бўйича ишлар йўлга қўйилди. Ҳа, Янги йилдан умидларимиз катта, ютуқларимиз янада залворлироқ бўлишига шубҳа қилмайман. Зотан, замон биздан шуни талаб қилмоқда. Бугунги ютуқлар, бугунги кундалик юмушлар билан чегараланиб қолмаслигимиз шарт.

Юртдошларимизни Янги йил билан муборакбод этар эканман, барчага, муваффақиятлар ҳаммиса йўлдошингиз бўлсин, 365 куннинг ҳар бир кунни қувончларга бой бўлсин, барча эзу ниятларингиз амалга ошсин, омадингиз кулсин, дейман.

ОИЛАЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛСИН!

Мана, гўзал ва мафтункор Ўзбекистон учун муваффақиятлар йили бўлган 2018 йилнинг тарих зарварақларидан ўрин олишига ҳам бир неча кун қолди. Юртдошларимиз янги — 2019 йилни улкан режалар, катта орзу-умидлар билан кутиб олишяпти.

Жорий йил бизнинг бошқармамиз ҳарбийлари учун ҳам баракали бўлди. Аскарларимиз чиройли таъмирланган ётоқхоналарда истиқомат қилиб, ўзлари учун яратилган ҳамма имкониятлардан унумли фойдаланишяпти, алоқа соҳасида мавжуд сўнгги ресумдаги техника ва технологияларни тўлиқ ўзлаштириш учун бор куч ва

имкониятларини, билим ва салоҳиятларини ишга солишяпти. Зеро, ҳарбий алоқачи бўлиш кишидан катта масъулият, билим ва уддабуронликни талаб этади.

Бу борада ҳарбийлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам биз бошқармамизда мутахассислиги бўлмаган ҳарбийларга ҳарбий алоқачилик сир-асрорларини ўргатиш мақсадида 1,5 йиллик махсус ўқув курси ташкил этдик. Тузилган шартномага асосан Тошкент алоқа касб-ҳунара коллежи ўқитувчилари келиб, дарс ўтишяпти. Бугунги кунда 22

нафар ҳарбий ана шу ўқув курсида иштирок этиб, яхши мутахассис бўлиш ҳаракатида.

Келгуси йили қандай ишларни амалга оширишимиз ҳозирдан маълум. Яъни, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш Давлат дастурига бошқармамиз ҳам киритилган бўлиб, қурилиш ишлари ҳадемай бошлаб юборилади. Шунингдек, МАТБ ёнидаги бўш майлонда Ўқув маркази қурилади.

2018 йилда бошланган бу каби бунёдкорлик ишлари бутун республика бўйлаб янги йилда ҳам катта ғайрат-шижоат билан давом этишига ишонаман.

Тобора гўзаллашиб, халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаб бораётган мамлакатимиз аҳолисини, юрт ҳимоясини ўзлари учун шарафли бурч билиб, ўз постига тагин-да хушёрроқ тураётган барча ҳарбийларни, алоқачиларни кириб келаётган янги йил билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Юртимиз осмони ҳаммиса мусаффо, хонадонларимиз қувончли воқеаларга бой бўлишига тилакдошман.

Беҳзод АДЕНОВ,
Махсус авария-тиклаш
бошқармаси (15361-ҳарбий
қисм) бошлиғи



ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ ИШ



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида вилоятдаги маҳаллий ҳокимият органлари, бошқарма, корхона ва ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиги Ортиқ Узоқов маъруза қилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ахборотни

мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, давлат идораларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиблари тўғрисида маълумот берди.

Семинарда, шунингдек, филиал “Ахборот технологиялари-сервис” кафедраси катта ўқитувчиси Ориф Пардаев, ассистент Файзижон Беккамов ва бошқалар ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим вазифалар, ахборотни хавфлардан ҳимоялаш усуллари, таҳдидлар ва унинг турлари, хуружлар ва унинг оқибатлари ҳақида тушунчалар беришди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари, корхона ва ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлашга масъул мутахассислар билан очиқ мулоқот тарзида ўтказилган ўқув семинарида келгусида корхона ва ташкилотларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳолатини яхшилаш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга келишиб олинди.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР АМАЛДА

Филиалда яна бир тадбир — мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини тиббиёт соҳасида кенг қўллаш кўникмаларига эга кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда замонавий ахборот технологияларининг илгор ютуқларини тиббиёт соҳасида, жумладан, реабилитацияда қўллаш бўйича хориж тажрибасини ўрганишга бағишланган халқаро ил-

мий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури доирасида “TechReh – тиббиётда инновацион технологиялар” лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур конференцияда Эрасмус+ дастури координаторлари, шунингдек, Италиянинг Саннио ҳамда Франциянинг Сарбонна университетлари про-

фессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Хорижлик профессор-ўқитувчилар филиалда ташкил этилган “Тиббиётда техник реабилитация” илмий лабораторияси фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Йиғилганлар хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглашди.



Афтондил ИСМОИЛОВ, “Хабар”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири Муаллиф олган суратлар.

ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИМИЗ



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали талабалари турли танлов ва фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, билим ва иқтидорларини намоён этиб

келишмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларига оид илмий тадқиқот, йирик дастурлар ва изланишларда иштирок этаётган ҳамда илмий мақолалар ёзган, дастурий ва техник ишланмалар яратган талабаларни рағбатлантириш мақсадида жорий этилган турли стипендиялар ҳам ёшларнинг интилишларига бевосита туртки бўляпти.

Филиалимизда алоҳида иқтидори орқали турли стипендияларга лойиҳ қўрилган ёшлар талайгина. Масалан, компютер инжиниринги факултетининг 914-15-гуруҳ талабаси Гуласал Бахтиёрова Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стипендиясига, 922-16-гуруҳ талабаси Осилхон Деванова Муҳаммад

ал-Хоразмий номидаги стипендияга, 914-15-гуруҳ талабаси Давлатёр Менглиев эса Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи стипендиясига сазовор бўлди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва информатикага оид таълим йўналишлари мавжуд олий таълим муассасалари талабалари ўртасида дастурлаш бўйича жамоавий мусобақанинг финал босқичида Азалбек Юсупов раҳбарлигидаги жамоа (Муҳаммад Раҳимов, Муроджон Давронов, Кудрат Ибодуллаев) фахрли 2-ўринни эгаллаган бўлса, информатика фани бўйича ўтказилган мусобақанинг ҳудудий босқичида (Хоразм, Қорақалпоғистон) 943-17 ДИ гуруҳи талабаси Назарбек Болтабаев фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Айни шу мусобақада 942-16 ДИ гуруҳи талабаси

Муҳаммад Раҳимов 2-ўрин, 942-15 ДИ гуруҳи талабаси Жаҳонгир Собиров эса 3-ўриндан жой олишди. “TUIT OPEN 2018” дастурлаш бўйича республика очиқ чемпионатида ҳам филиалимиз ёшлари фаол иштирок этди. Чемпионатда қатнашган икки жамоамиз учинчи ва тўртинчи ўринларни бўлишиб олишди.

Жаҳоннинг буюк ва беназир олими, алгебра фанининг асосчиси машҳур аллома Ал-Хоразмий меросини давом эттириш ва юртимиз доврғини оламга танитиш учун астойдил ҳаракат қилаётган талабаларимиз меҳнати эртага ўз натижаси ва самарасини кўрсатишига ишонамиз.

Ирода АБДУЛЛАЕВА, ТАТУ Урганч филиали матбуот котиби

НАВОИЙ ШАҲРИДА БИРИНЧИ “COWORKING МАРКАЗИ” ОЧИЛДИ

Навоий шаҳрида ҳам биринчи “Coworking маркази” биноси фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида вилоят ҳокими Қобул Турсунов, корхона, ташкилот раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирок этган ушбу маскан ёшларнинг ҳаётга янгича ёндашуви, замонавий фикрлар, инновацион гоаялар шаклландиган, ҳаётга

тадбиқ этиладиган марказ бўлишидан далолат беради.

Ёшлар медиа-марказининг маълумот беришича, тадбиркор Суннатилло Исроилов 2 млрд. 200 млн. сўмга қурган ушбу бино тўрт қаватдан иборат. 1-қаватида “Coworking маркази”, қолган қаватларида аёллар учун фитнес-клуб ҳамда чет эл инвест-

торлари учун барча қудайликларга эга офис ташкил этилди. Ушбу бинонинг қолган қаватларида иш бошланса жами 20 нафар ёш иш билан таъминланади.

Маълумот учун: 2005 йили Брэд Нюберг дастурчи бўлиб қолиш ҳамда офисда тер тўкиб ишлаш ўртасидаги саволга энг оптимал ечимни топди — икки

офисни бирлаштирди ва дунёдаги биринчи коворкингта асос солди.

Бир неча йиллардан сўнг коворкинг оммалашиб бутун дунё бўйлаб тарқалди. Бугунги кунда бир вақтинг ўзида стартапчилар ҳамда дастурчилар биргаликда ишлайдиган коворкинг офислари барча йирик шаҳарларда мавжуд.

ВНЕДРЕНИЕ ЦИФРОВОГО ТЕЛЕВЕЩАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ЗАВЕРШИЛОСЬ!



Каждый человек, просматривая телепередачи, всегда мечтал о том, чтобы качество изображения было хорошим и стабильным, не надо было бы поправлять антенну, регулировать звук и хотелось иметь много телеканалов на выбор.

И это желание сегодня осуществилось для всего народа Узбекистана с приходом в каждый дом цифрового телевидения!



Просматривая телепрограммы цифрового телевидения, не нарадуешься красотой видеоизображения, яркостью красок, чистотой стереозвука, а самое главное значительно увеличилось количество телепрограмм предоставляемых на бесплатной основе, не говоря о возможности просмотра коммерческих телеканалов, став абонентом сети при минимальности абонентской платы.

В этом отразилась забота Президента и Правительства Узбекистана о каждом жителе, удовлет-

ворение желания населения качеством телевидения и разнообразия телеканалов, что дает радость детям, просматривая детские телепрограммы, молодежи и людям старшего поколения, предлагая им разнообразные телепрограммы на любой вкус.



История цифрового телевидения началась в 2008 году, когда в г.г. Ташкенте и Бухаре были установлены цифровые телепередатчики для тестового цифрового телевидения.

Принятие Постановления Президента Республи-

ки Узбекистан от 17 апреля 2012 года «О Государственной программе технического и технологического перехода на цифровое телевидение в Республике Узбекистан» обеспечило сильный толчок в направлении активного внедрения цифровых технологий не только в распространении телепрограмм, но в цифровизации подготовки и хранения видео аудио продукции.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2014 года «О мерах по привлечению льготного кредита Японского банка международного сотрудничества и коммерческих банков Японии для развития сети наземного цифрового телевидения Республики Узбекистан» обеспечило инвестирование в цифровое телерадиовещание более 8 млрд. японских йен.

ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения» при координации Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан в период 2014-2017 годы выполнил комплекс организационно-технических мероприятий по существенному расширению сети цифрового телевидения Республики Узбекистан с установкой, монтажом и вводом в эксплуатацию 90 мощных и 404 маломощных цифровых телепередатчиков нового стандарта DVB - T2, которые были приняты Республиканским Советом по радиочастотам.

Кроме этого, для эффективной и контролируемой работы всей сети цифрового телевидения в г. Ташкенте на территории Ташкентской телебашни были введены в действие Центральная станция цифрового телевидения, включающая в себя мощную Цифровую аппаратную формирования цифровых потоков телепрограмм и Центр мониторинга и управления сети наземного цифрового телевидения Республики Узбекистан, а также Наземную приемно-передающую станцию спутникового телевидения с параболической антенной 6,4 метра с возможностью качественного просмотра населением 12 государственных телепрограмм и прослушивания 4 государственных радиопрограмм, доведением охвата населения Узбекистана цифровым телевидением до 100 %. Кроме этого государственный пакет телерадиопрограмм через спутниковый канал доводится до территорий 40 государств дальнего и ближнего зарубежья. Не забыты на местах и Региональные государственные телепрограммы Национальной телерадиокомпании Узбекистана, которые подключены к сети наземного цифрового телевидения.

Для улучшения качества телепрограмм ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения», начиная с 2010 года осуществляет телевидение программы «UzHD» в стандарте высокого качества — High-Definition (HD), а в настоящее время и отдельные негосударственные телепрограммы — «UzReportTV», «Z'ORTV», «Футбол ТВ» и «Севимли» вещаются именно в этом стандарте в г. Ташкенте и Ташкентской области.

Вместе с тем для обеспечения постепенного перехода к цифровому телевидению, адаптации населения к новым стандартам телевидения в течение 2008-2018 г. продол-

жалось вещание государственных телепрограмм как в режиме аналогового, так и в режиме цифрового телевидения. С изданием Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 17 июля 2017 года «О дальнейших мерах по переходу на цифровое телевидение и прекращению наземного аналогового телевидения» было принято решение о поэтапном отключении аналоговых телепередатчиков по всей республике и последний аналоговый телепередатчик был отключен 5 декабря 2018 года. С этого момента Республика Узбекистан вступила в эру цифрового телевидения полностью.

Услуги по подключению абонентов, желающих просмотр зарубежных телепрограмм в формате стандартного качества и высокого качества (HD) в Узбекистане предоставляются компанией ООО «UzDigitalTV», региональные офисы которой располагаются в областных центрах и центральных офисах — в г. Ташкенте

ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения» не останавливается на достигнутом. После подготовительных работ в г. Ташкенте началась тестовая трансляция телепрограммы «LuxTV» в новом инновационном формате вещания «4K» — формат сверхвысокой четкости видеоизображения (Ultra HD).

В преддверии праздника, ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения» поздравляет всех читателей газеты «ХАВАР» с наступающим Новым 2019 годом и желает чистого неба, спокойствия и процветания Родному Узбекистану, тепла и семейного уюта в каждом доме и конечно здоровья каждому жителю родной страны!

Жавлон ИСАЕВ,
начальник службы контроля электронного документооборота и развития ГУП «Центра радиосвязи, радиовещания и телевидения»

Барчанинг яхши яшагиси келади. Яхши ҳаёт эса ўзи келмайди. Унга фидойилик, меҳнат ва матонат, илм ҳамда муҳаббат билан эришиш мумкин. Қуйида сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган миллатнинг бугуни "йўқдан бор бўлган" дейилади.

"ЯХШИ ЯШАЙЛИК!"

1953 йил, ёзнинг сўнги оғи. Уч йил давом этган уруш халқнинг қаддини букди, барчани хонавайрон қилди, очлик ва жанглар 6 миллион нафар инсон ҳаётига зомин бўлди.

Корея Республикаси 1953 йили жаҳондаги энг камбағал давлат бўлган.

"Корея уруши"дан чиққан Корея яриморалининг қоқ ўртасидан чегара тортилиб, жанубий қисмда Корея Республикаси ташкил этилади. Бу янги давлатнинг йиллик умумий ялпи ички маҳсулоти киши бошига 67 АҚШ долларини ташкил қилган. Йилга 340 миллион долларлик маҳсулот импорт қилинган бўлса, экспорт қилинган гурч, темир, ипак, кўмир, балиқ ва жундан мамлакат бюджетига 33 миллион доллар маблағ келиб тушган. Уша даврдаги ҳисоботларга кўра, Корея Республикаси жаҳондаги энг камбағал давлат бўлган.

Халқаро экспертлар катта минбарлардан туриб вайронага айланган Жанубий Кореядаги аҳволни яхшилаш учун юз йиллар ҳам камлик қилишини очиқчасига эълон қилишган. Оз миқдордаги табиий ресурслар, вайрон бўлган инфратузилма, таълим даражасининг пастлиги, худуднинг 70 фоизи тоғ-тошдан иборат экани ривожланишга бўлган умидни хиппа бўғар эди. Бирок, йўқчилик ва уруш миллатни уйғотган, Жанубий Корея ўзгаришга тайёр эди.

Жанубий Корея ҳукумати ва халқи келажак бугун тайёргарлик кўрганларники бўлишини оқлади, таълимга жамиятни ўзгартирувчи кучли қурол сифатида қаралди. Иқтисодиёт ачинарли аҳволда бўлса ҳам, таълимга йирик миқдорда пул тикилди. Кореяликлар фарзандларини уларни таълим олишдан чалғитадиган ҳар қандай юмушлардан озод қилдилар. Машаққат билан илм олиш эвазига муваффақиятга эришиш ҳар бир корейлик ёшнинг қатъий мақсадига айланди.

Мамлакат бўйлаб қишлоқ ва шаҳарлар янгича услубда қурила бошланди. Ҳар бир маҳаллада бошқарувнинг марказлашган шакли татбиқ қилинди. Ҳамма тенг — камбағал экани жамиятда рақобатнинг адолатли оқимини шакллантирди. Жонбозлик кўрсатган ва янги ташаббуслар билан чиққан фуқаро, маҳалла ҳамда худуд ҳукумат томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилди.

Тез орада сифатли таълим тизими махсули сифатида меҳнат бозорига маҳалла ишчи кучи кириб келди. Бу омил эса бир неча йиллардан кейин завод ва фабрикаларнинг ривожланиши, шу орқали мамлакат иқтисодиётининг оёққа туришида муҳим омил бўлди. Илк авлод кейингиларнинг бахтли яшаши учун ўзини тамомила меҳнатга бағишлади.

1961 йилда илк беш йиллик иқтисодий ривожланиш режиси қабул қилинди. Уни амалга ошириш учун маблағ керак эди. Давлат иқтисодиёти учун 140

миллион марка миқдоридagi илк сармоя Фарбий Германия томонидан киритилди. Ўзаро келишувга кўра, минглаб корейлик кончилар ва ҳамширалар ишлаш учун Германияга жўнаб кетдилар. Улар ишлаб топган маблағ эвазига мамлакатни иқтисодий ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарма ҳисобидан дастлаб портлар, йўллар, темирйўл ва алоқа тармоқлари, суғориш тизимлари, электр станциялари қурилди.

Енгил саноат оёққа туриб, тўқимачилик, ясама соч тайёрлашда Корея Республикаси жаҳондаги биринчи рақамли давлатига айланди. Шунингдек, аёллар меҳнат қиладиган бошқа саноат секторларида ҳам жалад ўсиш кузатилади.

Сиёсат ва иқтисоднинг оқилона мувофиқлаштирилгани, саноат инфратузилмасининг мунтазам ривожлантирилиши натижасида 1961 йилларга келиб йиллик экспорт ҳажми 36,6 фоизга ошди. 1964-1965 йилларда бозорда маҳсулотларга талаб ошгани боис ҳукумат эркин тadbиркорликни ривожлантириш чораларини кўра бошлади.

Ҳукумат 1960 йилларнинг ўрталарида аста-секин оёққа тураётган компанияларни қўллаш сиёсатини татбиқ қилишга киришди. Компания раҳбарлари ва иқтидорли мутахассислар бизнес бошқаруви ҳамда илмий йўналишларда етакчи давлатларга ўқишга юборилди. Ҳукуматнинг кўмаги билан хусусий секторда оғир саноат, кимё технологиялари, электроника, коммуникация, ишлаб чиқариш йўналишларида иш бошлаган компаниялар олдига биргина шарт қўйилди — мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш. Бу ишонч ўзини оқлайди — 1980 йилларга келиб Осиё ва жаҳонда корейе савдо белгиларининг номи янграй бошлади.

Кучли рақобат пўлат, кўмир, машинасозлик, кимёвий воситалар ишлаб чиқариш ва кemasozлик каби янги саноатларни ривожлантиришга киришди. Истикболни кўра олиш қобилияти, бизнеснинг глобаллашув жараёни билан уйғунлаштирилиши оқибатида ўзлаштирилган янги соҳалар иқтисодий ўсишнинг кучли воситасига айланди.

1987 йилда энг йирик тўртта конгломератнинг даромади 80,7 млрд долларга етди. Хусусан, бир муддат аввал савдо дўконлари тармоғи бўлган "Samsung Group" компанияси электроника бозоридан 24 млрд доллар; машинасозликда ном чиқарган "Hyundai" 22,7 млрд доллар; "Daewoo" компанияси 16 млрд доллар йиллик даромад топишган. Мамлакатнинг энг йирик ўнта компанияси Жанубий Кореядаги банкларнинг 40 фоиз улушига, мамлакат экспортининг 66 фоиз улушига эгаллик қилган.

Улар даромаднинг асосий қисмини илмий тadbиротларга сарф қилиб, янги технология ва инновациялар ёрдамида халқаро бозорни кенгайтиришган, янги ишчи ўринлари яратишган.

Мазкур корпорациялар муваффақиятининг яна бир сирини — улар хорижий янги технологияларнинг муаллифлик ҳуқуқини харид қилиб, маҳсулотларни

арзон нархда ишлаб чиқаришар эди. Ҳукумат уларнинг рақобатдан омон чиқишлари учун зарур барча шароитни яратиб берган. Сабаби, мамлакат иқтисодиёти уларнинг келажаги билан боглиқ эди.

1970 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодиёти кейинги уч йил давомида йилга 9,6 фоизга ўсиб борди. Корея Республикаси секин-аста қишлоқ хўжалигидан саноатлашган давлатга айлана бошлади. Шу йилнинг иккинчи ярим йиллигида ҳам иқтисодий ўсиш 9,6 фоизга ташкил қилади. Қутилмаганда мамлакатнинг экспорт салоҳияти 52 фоизга кўпаяди. 1971 йилда мамлакатнинг экспорт салоҳияти 1 млрд АҚШ долларидан ошиб кетади. Халқаро экспертлар бу ҳайратомуз ривожланишни "Ҳан дарёсидаги мўъжиза" деб аташди.

1970 йилда киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот 1000, 2000 йилларда 20 минг, айна пайтада 27,5 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Бунинг учун Жанубий Кореяга иқтисодий ислохотларни бошлаганидан сўнг 33 йил керак бўлди.

Ривожланишга бўлган қаттиқ иштиёқ, миллатнинг фидойилиги — уни умидсизликнинг тубидан олиб чиқувчи куч. 1997 йилда кузатилган Осиё иқтисодий инқирози, 2008 йилдаги жаҳон иқтисодий инқирози корейликлар учун синов бўлди. 1997 йилда иқтисодиётни муқаррар ҳалокатдан асраш учун корейликларнинг ўзларидagi тиллаларни оммавий равишда давлатга топширишлари жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солди.

Корейликлар "пали-пали" иборасини яхши кўришади. Бу ўзбекчада "бўл-бўл" дегани: "Бир ишга киришднинг тезроқ ҳаракат қил, бмга файратинг билан кириш".

Бугун корейлик кексалар билан суҳбат курсангиз, уларнинг ўтмишдаги матонатига қўйил қоласиз. 1950 йиллардан кейин қишлоқ ва шаҳарларда тонг саҳардан кўчаларда "кўнғироқчи" юрган. Кўнғироқнинг жанрндор овозига уйғун ҳолда янграган "Яхши яшайлик! Меҳнат қилайлик!" қақиринг барчани олдинда турган яхши ҳаёт учун курашга сафарбар қилган.

Бугун ҳар бир ўзбекистонлик "яхши яшасам" дейди. Бизнинг матонатимиз ҳам корейларнинг матонатидан кам эмас. Бугун ҳамма нарса тез ўзгаришти: шахримиз, кўчаларимиз, имкониятлар. Аммо биз-чи? Биз бугунги рақобатга қанчалар тайёрмиз? Муваффақият ҳолисаси ташқарининг ичкарига эмас, ичкарининг ташқарига таъсири оқибатида юзга келади — шу ҳақиқатни унутмайлик!

Шухрат САТТОВОВ,
Жанубий Кореянинг Yonsei университети таdqиқотчиси,
"Xabar"нинг махсус мухбири

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ГМО!



**ҲАҚИҚАТ
ВА
АФСОНА**

2018 йилнинг декабр ойида Ер юзи аҳолиси 7,67 млрд. кишига етди. Аҳоли кўпайиб боргани сайин уни озиқ-овқат, кийим-кечак, доридармон, тураржой билан таъминлаш масаласи ҳар бир давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланаверади.

2014 йилда ўтказилган 147та метаанализ тадқиқотларининг натижаларига кўра, бутун дунёда қишлоқ хўжалиги экинлари орасидаги ГМО ҳосилдорлигининг зараркуналдар туфайли йўқотилиши оддий ўсимликларникига қараганда 21,6 фоизга паст бўлган, шу туфайли пестицидларга 36,9 фоиз кам харажат кетди. Умумий чиқим 39,2 фоизга оз, кирим эса 68,2 фоизга юқори бўлган.

Лондонда жойлашган Institution of Mechanical Engineers (IME) ўтказган тадқиқотларга кўра, Ер юзида йилига 4 млрд. тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бутунги кунда қишлоқ хўжалигида етиштирилдиган ҳосилнинг деярли 30-50 фоизи (1,2-2 млрд. тонна) турли сабабларга кўра йўқотилмоқда. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) таҳлилчиларининг маълумотларига кўра, Ер юзида етиштирилдиган донли экинларнинг 5 фоизга яқин қисми турли зараркуналдар оқибатида бой берилди, бу кўрсаткич турли давлатларда турлича кўринишда намоён бўлади, масалан, Мисрда — 25-50 фоиз, Полша, Болгария, Германияда 5-14 фоиз, Хиндистонда 15 млн. тонна, Украинада 3,5-4,5 млн. тоннага етади.

Қолаверса, қурғоқчилик, ёввойи ўсимликлар ва бошқа омилларни ҳам келтириш мумкин. Уларнинг таъсирини қўшиб ҳисоблаганда йўқотилдиган ҳосил микдори янада ортади. Юқоридаги омилларни ҳисобга олганда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида муаммолар юзага келади. FAO ташкилотининг маълумотларига кўра, айни вақтда Ер юзидаги ҳар еттинчи одам очликдан қийналяпти. БМТнинг 2017 йилги маълумотида Нигерия, Жанубий Судан, Яман ва Сомали каби давлатлардаги 20 млн. кишининг очликдан ҳалок бўлиш хавфи бўлмади. Генетиканинг фундаментал қонунилари бунга имкон

соҳа мутахассислари олдида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бунинг учун зарур ўсимлик навлари (айни вақтда дунё аҳолиси истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг 80 фоизи 12 турдаги ўсимликдан олинади) ва ҳайвон зотларини яратиш, уларни етиштириш биотехнологиясини мукаммаллаштириш талабини қўймоқда.

Кўпчилик биолог, эколог, селекционер ва генетик мутахассислар ушбу муаммони ҳал этишда турли бегона ўтларга, зараркуналдарга, кимёвий моддалар, қурғоқчилик, совуқ ва бошқа чекловчи омилларга бардошли ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиш, табиий селекция йўли билан яратиш имкони бўлмаган ҳолларда уларнинг генларини модификация қилиш орқали яратишни мазкур муаммонинг ечими сифатида кўрсатадилар.

Табиий селекция йўли дегани табиий равишда чагиштириш йўли билан олинандиган ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари олинишига айтилади. Масалан, ўзбек олимлари томонидан вилт касаллигига чидамли “Тошкент 1”, “Тошкент 2” каби гўза навлари олдий гўза навларини ёввойи гўза билан чагиштириш орқали олинган. Ёки буғдойнинг қилтириқсиз, қурғоқчиликка чидамли навлари, серсуг Қозоғистон оқбоши, гўшт йўналишида боқилдиган Швиц, Санта-Гертруда каби қорамол зотлари, кўп туҳум қўядиган рус оқ товуғи, Загорск каби зотлар ҳам ана шундай турлошларни ўзаро чагиштириш орқали олинади. Лекин организмлар хромосомасининг турлича сонда бўлиши турлараро чагиштириш имконини бермайди. Масалан, сиз ҳеч қачон узум билан олмани чагиштириб янги олма ёки узум навини ҳосил қила олмайсиз, бунга уларнинг хромосомалар сони турлича эканлиги йўл бермайди. Ёки балиқ билан қорамол ёки итларни ҳам чагиштириб янги зот яратиш бўлмайди. Генетиканинг фундаментал қонунилари бунга имкон

бермайди.

Айни вақтда илм-фаннинг ривожланиши ана шундай муаммоларни бартараф этиш, ўзаро чагишма олмайдиган узоқ турларни ўзаро чагиштириш, уларнинг генларини ўзаро алмаштириш имконини бермоқда.

ГМО нима ва у қандай ҳосил қилинади?

ГМО бу гени модификацияланган (ўзгартирилган) организм бўлиб, бактерия, ўсимлик ёки ҳайвон организмнинг қайси бир хусусияти генетик инженерия усули ёрдамида организмга бегона организм генини киритиш йўли билан ўзгартирилади. Бундай жараёнлар аслида табиатда табиий ҳолатда ҳам учрайди, бу ҳолатта трансформация ёки генларнинг горизонтал кўчиши деб аталади. ГМОда эса ушбу жараён одам томонидан қўзланган мақсад асосида ҳосил қилинади.

Тасаввур қилинг, кундалик таом тайёрлашда ишлатилган ошпиёз, одатда -1 даражада музлаб қолади ва уни музлагандан кейин ўз ҳолига қайтариб бўлмайди. Уни энди овқатта ишлатиб бўлмастлигини ҳамма уй бекалари жуда яхши билишади, шу боис пиёзларни музлаб қолишдан сақлаш чоралари қўрилади. Чунки пиёзнинг ҳужайраларида унинг совуққа чидамлилиги -1 даражагача холос деб белгилаб қўйилган. Унинг генларига худди ана шундай ёзиб қўйилган. Худди мана шу пиёзни -10 даражада ҳам музламайдиган қилишнинг имкони борми? Ҳозирги генетик инженерия бунга имкон беради, қандай қилиб? Масалан, Антарктидада яшовчи Х балиқ -8-9 даража совуқда ҳам фаол ҳаракатланиб юриверади, яъни унинг генига балиқ организмни шу совуқ даражагача чидай олиши ёзиб қўйилган дейлик. Олимларнинг олдида вазифа қўйилади: балиқнинг ўша хусусиятини пиёзга кўчириб ўтказиш! Бу қуйидаги 4 та босқичдан иборат:

Аввало пиёзнинг қайси гени унинг совуққа чидамлилигини белгилаши қийинчи топилади. Худди шундай — Х балиқнинг ҳам ўша гени қийинчи топилади ва ўша генининг ўзи лаборатория шароитида балиқ ҳужайрасидан ажратиб олинади.

Балиқдан ажратиб олинган ген пиёз генига киритилиши учун махсус вектор конструкция деб номланувчи жараён ташкиллаштирилади. Бунда генини ташиш учун турли плазмидлар деб номланувчи генетик структуралардан фойдаланилади. Керакли генини одамнинг ўзи пиёз ҳужайрасидаги генига шундоққина кўчиб ўтказиб қўя олмайди. Махсус плазмидга керакли ген бириктирилади, плазмид эса уни бактерия ёки вирус ёрдамида ҳужайра ичига олиб киради.

Пиёзнинг битта ҳужайрасидаги совуққа чидамлилик гени махсус усулда олиб ташланади. Энди аввалдан яратилган вектор конструкция балиқ генини пиёз ҳужайрасига киритади ва белгиланган жойга улаб қўяди. Натижада пиёзнинг илгари -1 даражага чидайдиган гени ўрнига балиқнинг -8-9 даражага чидайдиган гени олади. Балиқнинг бошқа ҳеч қандай хусусияти ўтмайди, ҳеч қандай! Фақатгина совуққа чидамлилик генигина кўчиб ўтади холос. Шундай усулда ҳосил қилинган ҳужайра трансген ҳужайра дейилади.

Мана энди ўша трансген ҳужайрадан махсус озуқа муҳитида биз билган бутун пиёз ўсимлиги ҳосил қилинади. Унинг кўриниши, ҳиди, мазаси ва бошқа ҳамма хусусиятлари аввалги пиёзнинг ўзи, чунки бошқа генларига тегилмаган. Лекин энди бу пиёзимиз табиий шароитда -8-9 даражада совуқда қолиб кетса ҳам музлаб қолмайди. Мана шундай яратилган пиёзга биз трансген пиёз ёки гени модификацияланган организм (ГМО) деб атаймиз. Ушбу пиёз кўпайитрилиб, лаборатория шароитида

роитида қайта-қайта текширилади ва шундан кейин бозорга чиқарилади.

ГМОнинг афзалликлари

Айни вақтда худди мана шундай усулда ҳосил қилинган жуда кўплаб трансген ўсимлик ва ҳайвон турлари мавжуд. Уларнинг зараркундандаларга, қурғоқчиликка, турли салбий табиий ва антропоген омилларга чидамлилиги туфайли йилдан-йилга йўқотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори камайиб бормоқда.

ГМО маҳсулотларининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири уларни етиштириш осон, арзон ва қулай. Шу билан бирга, ГМО ўсимлик маҳсулотларини бошқа ўсимликларга қараганда йилнинг исталган вақтида топиш имкони мавжуд. Шунингдек, ГМО маҳсулотлари нисбатан арзонлиги, уларни сақлашда махсус талаблар мавжуд эмаслиги билан ҳам ажралиб туради.

Кўпчилик ГМО деганда фақатгина ейиладиган маҳсулотларни кўз ўнгига келтиради, аслида ГМО фақат озиқ-овқат учун ишлатилмайди. Улар илмий тадқиқотларда, тиббиётда, фармацевтика sanoatida, кишлоқ хўжалигида, атроф-муҳитни тозалашда ҳам қўлланилади.

Илмий тадқиқотларда эса ГМО организмлардан кўплаб касалликлар қандай юзга келишини аниқлашда кенг фойдаланилади. Жумладан, Алцгеймер, саратон каби касалликларнинг қандай юзга келиши айнан ана шундай организмларда ўрганиш асосида аниқланади.

Айни вақтдаги расмий статистикага кўра, дунёда 415 млн. киши қандли диабет касаллигига чалинган. 2040 йилга бориб, уларнинг сони 642 млн. нафарга етиши айтилади. Мана шу касалларнинг кўпи кунига инсулин қабул қилишга мажбур, акс ҳолда аҳволи тезда ёмонлашади. Хўш, шунча беморга инсулин қандай етказиб берилади деб ўйлайсиз? Дастлаб бу гормон буқа ва чўчка ошқозон ости безидан ажратиб олиб тайёрланган, лекин бу усулни sanoat микёсида қўллаб бўлмайди. Ҳозирда айнан инсулин гормонининг гени махсус бактериялар геномига киритилиб ГМО бактериялар ҳосил қилинган. Улар ўз фаолияти натижасида инсулин ҳосил қилади. Мана шу бактериялар 415 млн. аҳолининг саломатлигини бир маромда ушлаб туриш учун хизмат қилмоқда.

Қоннинг қон томирлари ичида ивиб қолиши натижасида юзга келадиган тромбоз касаллигини даволашда қўлланиладиган дори препаратлари ҳам айнан ГМО эчкилар сuti таркибидаги оқсил асосида яратилган.

Айни вақтда 33 турдаги трансген ўсимликлар (ГМО) одамлар томонидан озиқ-овқат сифатида кенг қўлланилмоқда: картошка, папая, ошқовоқ, бақлажон, олма, маккажўхори, соя, ловия, қовун, гуруч, помидор, ширин



■ рухсат берилган
■ тақиқланган
■ маълумот йўқ

қалампир, бугдой, қанд лавлаги, рапс ва бошқалар.

ГМО зарарли эмас!

Мен илм-фан оламининг вакили сифатида фақатгина илмий асосланган фактларгагина ишонаман. Чунки илм-фан тажрибада исботлаб берилган далилларгина асосланади. Бошқаларга ҳам мана шундай ишончли манбалардаги далиллар асосида хулоса қилишни тавсия қиламан.

Кўпчилик билан ГМО ҳақида гаплашганимда шу нарсга амин бўламанки, аксарият одамлар ГМО маҳсулотлари одамнинг генини ўзгартиришига, уни егандан сўнг қандайдир касалликлар юзга келиши мумкинлигига, насийл аномалиялар юзга келишига ишонадилар.

Бу қанчалик ҳақиқат?

Биринчидан, ГМО сизнинг генингизни ўзгартириш хусусиятига эга эмас, бунга генетиканиннг фундаментал қонуниятларини билган ҳар қандай одам тасдиқлаши мумкин. Бу нарса тажрибада исботланган. Биз истеъмол қиладиган ҳар бир ўсимлик ва ҳайвон таркибида у табиий бўлади, ГМО бўладими албатта ДНК бўлади. Одам одатда овқат еганда ўзи истеъмол қилган ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари асосида 0,1-1 г.гача ДНК истеъмол қилади. Уларнинг 95 фоизи ҳазм йўлида ичакка боргунча алоҳида нуклеотидларгача парчаланиб кетади. Қолган 5 фоиз ДНК ўртача 100-400 нуклеотиддан иборат бўлиб, ичакка етиб боради. Кўпчилик мана шу ДНК бўлаклари одам ДНКсига трансформация бўлиш эҳтимоли мавжудлигини айтиди. Худди мана шу эҳтимолидни олимлар жўжа ва бузоқларда тажрибада синаб кўрганлар. Натижада овқат таркибидаги ДНК бўлаклари ичак леворидан қон томирларига ўта олмаслиги маълум бўлди. Сичқонларда ўтказилган тажрибаларда ҳам айни натижага эришилган.

Тажрибаларнинг бирортасида

ГМО маҳсулот таркибидаги ДНК бўлаклари насдан-наспга ўтиши кузатилмаган, яъни ГМО ҳеч қанақасига сизнинг ва авлодларингизнинг генингизни ўзгартириб қўймайди.

ГМО маҳсулотлари сизнинг дастурхонингизга етиб боргунча юзлаб тажрибалардан, текширувлардан ўтади. Улар хавфсиз, истеъмол қилса бўлади дейилгандан сўнггина сотишга рухсат берилади.

Агар сиз дунёдаги энг нуфузли илмий мукофот Нобел мукофоти эканлигига ишонсангиз, куйидаги маълумот сизни бефарқ қолдирмаса керак. 2016 йилда мутахассислиги тиббиёт, физиология, биология, кимё бўлган 131 нафар Нобел мукофоти соҳиблари БМТ ва Гринпис (Халқаро мустақил ноҳукумат экология ташкилоти)га ГМОга қарши курашни тўхтатиш борасидаги хатта имзо чекишти. Чунки бу олимлар ГМО маҳсулотлари айни вақтда инсоният учун нақадар зарур эканлигини ўз тажрибалари давомида исботлаганлар, кўрганлар, билганлар.

Ҳозиргача олимлар томонидан чоп этилган 1783та илмий тадқиқот натижаларида ГМО маҳсулотларининг одам ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туғдириш эҳтимоли мавжуд эмаслиги ҳақида айтилади.

Бундан ташқари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) қайд этишича, генетик модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари “одам саломатлиги учун хавф туғдирмайди”.

ГМОнинг қандай зарарлари мавжуд?

ГМО маҳсулотларидан, айниқсан трансген соя билан юзга келадиган кўнгилсиз ҳолатлардан бири бу кишилардаги, ёш болалардаги аллергия касаллигидир. Олимлар соянинг чидамли ва маҳсулдор бўлиши учун унинг генига бразил ёнғоғининг генини кўчириб ўтказишган. Натижада соя таркибида ана шу ёнғоқ оқсили синтезланади. Агар одамда аввалдан бразил ёнғоғига нис-

батан аллергия мавжуд бўлган бўлса, бу ҳолат энди соя ёки соя қўшилган бошқа маҳсулотлар истеъмол қилинганда ҳам кузатилади. Шу боис озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ГМО қўшимчалардан фойдаланганлик ҳақида кўрсатиш деярли барча давлатлар томонидан мажбурий қилиб белгиланган.

Хулоса ўрнида

Айни вақтда бутун дунё ГМО борасида икки гуруҳга бўлиниб олган, уларнинг бири унинг беэтиён эканлигини исботлашга уринса, иккинчи гуруҳ унинг зарарли эканлигини тасдиқлайди. Мен эса биология ва генетика соҳасида бир неча йилдан бери фаолият юритиб келаётган мутахассис сифатида куйидаги тавсияларимни бермоқчиман:

Дўкондан сотиб олаётган маҳсулотингиз ёрлигидаги “без ГМО” сўзларига унчалик эътибор берманг, чунки бу маркетинг ҳийлаларидан бири — маҳсулот таркибидаги ГМО миқдорини кўрсатувчи алоҳида сертификатдан ўтмагунча бунақа олдий ёрлиқлар ҳеч нарса ни аниқламайди. Бизда эса ҳозирча бундай сертификат бериш йўлга қўйилмаган.


ГМО ҳақида ОАВда дуч келган ахборотга ишониб кетаверманг. Агар ОАВда ГМО ҳақида ижобий ёки салбий фикр билдирилган экан, албатта у ерда асл манбага ҳавола бор ёки йўқлигига эътибор беринг. Ҳавола олдий ахборот сайти бўлмаслиги лозим, у ё илмий манбага ёки расмий ташкилот сайтига ҳавола қилинган бўлиши керак.

ГМО маҳсулотларидан фойдаланиш танловини сиз учун ҳеч ким амалга оширмастлигини ёдда тутинг. Мен ёки бошқа биров ГМО ҳақида ижобий ёки салбий фикр билдиришидан қатъи назар ўзингиз мустақил қарор қабул қилишингиз лозимлигини унутманг.

ГМО тўғрисидаги яқуний хулосам шундан иборатки, трансген организмлар инсониятни ҳалокатга етакловчи йўл эмас, у инсоният огирини енгил қилиш учун дунёнинг минглаб олимлари томонидан узоқ йиллар давомида тинимсиз меҳнатлар натижасида юзга келган илмий кашфиётдир. Унинг нақадар фойдали ёки зарарли эканлигини энг одил ҳакам вақтнинг ўзи кўрсатиб беради.

Бахтиёр ШЕРАЛИЕВ,
биолог-ихтнолог, генетик

“
2013 йилги маълумотга кўра, 36 мамлакатда доимий равишда 2833 навадаги турли ГМО ўсимликлар етиштирилади. Шулардан 1321 хили бевосита одамлар озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун қўлланилса, 918 хилидан қорамоллар учун озуқа тайёрланади.”



Гул кўптарган тошлар

ХИТОЙДА ДАРАХТЛАР ИНСОНДЕК АЗИЗ

Хитой нафақат қадимий цивилизация бешиги, балки бетакрор табиат, ноёб дарахтлар, турфа гуллар макони ҳам.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистларнинг ижодий сафаримиз пойтахт Пекин шаҳридан бошланди. Осмонўпар бинолари кишини ҳайратга соладиган бу шаҳарда 20 миллион аҳоли истиқомат қилади. Пойтахтдаги юксак маданиятнинг қиёси ҳамма давлатда ҳам топилмаслиги аниқ. Йўлларни тўлдириб, машиналар сувдай оқади.

Сафаримиз давомида қайси провинцияга, қайси шаҳарга, қайси районга бормайлик, йўл бўйи яшил олам ва гуллар кўзларимизни қувонтирди. Дарахтларга муносабатни кўриб, биздаги кейинги йилларда дарахтларга кўрсатилаётган "марҳамат"дан кўнглимиз бироз чўкди.

Гарчи, статистик маълумотларга қараганда, 1 гектар аралаш дарахтлардан иборат майдон бир йилда 3 тонна кислород ишлаб чиқариб, 54 тонна чанг ва 5 тонна CO²ни ютар экан.

Хитойликлар эса биздан фарқли ўлароқ, дарахтларни кўз қорачиғидек асрашни муқаддас бурч деб билишади. Ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳни асраб-авайлаш бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратилганлигини кўриб, дарахтларнинг қалбига қулоқ солишни хитойликлардан ўрганиш керак, деган хулосага келдик. Дарахтларни шамоллардан, тўфонлардан асраш учун катта-кичиклигидан қатъий назар ҳар битта дарахт учун махсус ҳимоя тиргаклари қилинганлиги кўзимиз би-



лан кўрган ҳақиқат. Агар миллионга дарахт бор бўлса, барчасида ана шундай ҳимоя тиргаклари ясалган. Худди боласини бўронлардан асрагандек, дарахтларни табиат инжиқликларидан асраётган хитойликларнинг энг катта ютуғи — меҳнатқашлиги бўлса, яна бир ютуғи — табиатга меҳрли муносабатини алоҳида эътироф этиш зарур.

Мамлакат пойтахти Пекин шаҳридан то Фуцзян провинцияси, Фуцжоу, Сямэн шаҳарларигача йўллар бошдан оёғигача гулларга бурканган. Дарахтларнинг шаклига қараб, санъат асарини кўргандек завқ оласиз. Бетон кўприклардан пастга осилиб турган анвойи гулларни кўриб, табиат гўзаллигига тан бермай иложингиз йўқ. Ҳатто тошларда ҳам гул кўкарганидан ҳайратингиз ошади.

Бир сўз билан таърифлаганда, табиатга муносабат инсонга муносабат билаң тенг. Кўчалар, маъмурий идоралар ҳудуди гулларга ўралган. Гулсиз кўчанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам Хитойни боғлар ва гуллар мамлакатаи дейишди. Бу мамлакатда ўзимизнинг жийдага ўхшаб дарахт бўлиб кетган, гули ҳам энг ифори гуллардан ширин османдус, Тан сулоласи даврида (VIII-X аср) пайдо бўлган, кўзларга завқ бағишловчи бонсай табиатдан гултувакка олинган. У императорнинг тошпириниға биноан барча шаҳар ва туманлар, қишлоқларни кўркам гулларга буркаш ғоясига асосан яратилган санъат асари дейишга арзийди. Нилуфаргулларнинг нафақат дожувард кўлларда, балки меҳмонхоналар, деярли барча корхона ва идоралар ҳудудида гўзал товланиб туриши бу гулларга меҳр бошқача эканлигидан далолат.

Хитойнинг гул боғлари ўз гўзаллиги билан ҳар қандай кишини мафтун қилади. Гулларининг нафислигини битта мақолага сизгирши қийин, албатта. Шунинг учун бутун фақат энг кўп учрайдиган таниқли ва сеvimли гуллар билан танишамиз.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг
Навоий вилоятидаги муҳбири



МЭЙХУА

Мэйхуа — ёввойи олхўри гули. Бу гул Хитойдаги энг ҳурматли гуллардан бири ҳисобланади. Мэйхуа миллий гуллардан бири бўлиб, кишининг охирида ҳали борлиқ қор қўйнида ухлаб ётганда гуллаб бошлайди. Унинг беш япроғи Хитойнинг бешта халқи — хитой, манжур, мўғул, муслмон ва тибет халқи рамзидир.

Бу гул барг чиқаришдан олдин гулга киради. Хитойнинг деярли барча ҳудудида уни учратиш мумкин. Бу гул уч минг йилдан ортиқ вақт мобайнида маълум ва машҳурдир. Унинг 230дан ортиқ тури мавжуд.



МАГНОЛИЯ

Магнолия — ҳар қандай боғнинг безағи бўладиган, ниҳоятда нозик ва гўзал баҳор гулларидан. У бетакрор гўзаллиги ва ёқимли ҳиди билан кишини мафтун этади. Марказий Хитойда ўсади. Катта-катта оппоқ, пушти рангли ва қаймоқ рангдаги гулдасталар очилиб ётган дарахтлар ҳақиқий мўъжизанинг ўзи.



ПИОН

Хитойда пиондан алоҳида меҳр ва ҳурмат билан фойдаланишади. Бу мамлакатда пионнинг 300дан ортиқ тури бор. Бу гулнинг Хитойда етиштирилаётганлигига 1500 йилдан ошди. Узоқ йиллар мобайнида ёввойи ўсимлик ҳисобланган бу гул, хитойлик боғбонларнинг машаққатли меҳнати туфайли гўзал боғ гулларига айланди. Хитой пионлари энг ёрқин рангларга эга. Оқ, сариқ, пушти, қизил, сиёҳрангли пионлар хиёбонларнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Энг чиройли пионлар коллекциясини Лоян шаҳрида учратиш мумкин. Бу шаҳарга Хитойнинг турли бурчакларидан одамлар пионларнинг бетакрор гулларидан завқланиб баҳра олиш учун келишади.



САРИҚ АТИРГУЛ

Сариқ атиргул дунёдаги энг гўзал гуллардан бири. Уни бежизга гулларнинг шоҳи деб таърифлашмайди. Бу гулнинг ватани ҳам Хитой. Жаҳонда унинг 20 мингдан ортиқ тури мавжуд.



ОРХИДЕЯ

Орхидея — ҳамиша ям-яшил ва мафтункор гуллайдиган ўсимлик. Хитойда бу гулнинг 300дан ортиқ тури ўсади. Гулларининг япроғи ажиб шакллarga эга. Бир мэйхуа гулига, яна бири нилуфаргулга, бошқаси эса нарциссга ўхшаб кетади. Ранглари турфа хил — оқ, сариқ, сирен рангли, яшил. Орхидея гуллари жуда ширин ва нозик ҳид таратади. Хитойликлар орхидеяга хризантема, мейхуа ва бамбуқ билан бирга тўрт олий навли ўсимлик сифатида қарайди.



НИЛУФАРГУЛ

Нилуфар гул Хитойда 7 минг йилдан зиёд йиллар мобайнида ўстирилади. Унинг гуллари оддий ҳамда патли, оқ, қизил, яшил ва сирен рангли бўлади. Нилуфаргулнинг 90 хили мавжуд бўлиб, унинг ярмидан кўп тури Хитойда ўсади. Хитойликлар бу гулни озодлик, оқиллик ва унумдорлик рамзи деб ҳисоблайди.

Юрдошларимизни
кириб келаётган янги
2019
йил билан табриклаймиз.

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ
МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК
жамоаси**

“Ўзбектелеком” АК
**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОГИ”
филиали жамоаси**

Ахборот технологиялари
ва коммуникациялари
соҳаси ходимларини
кириб келаётган
ЯНГИ ЙИЛ билан
самимий қутлайди.

Қадрли ватандошлар,
янги йил сизга олам-олам бахт
келтиришига тилақдошимиз!

“Ўзбектелеком” АК
**ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
жамоаси**

Барчани кириб
келаётган
2019
йил билан самимий
табриклар, муваффақиятлар
ҳамиша ҳамроҳ бўлишини
тилаб қолади!

Янги йил янги омадлар йили бўлсин!

“Ўзбекистон почтаси” АЖ
**“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”
филиали жамоаси**

Юрдошларимизга
Янги йил табриklarини
йўллайди.

Гўзал ва мафтункор
юртимиз осмони
ҳамиша мусаффо бўлсин!

ВАКИЛЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАМИЗ



Жорий йилнинг 17-21 декабр кунлари Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгашининг Ўқув марказида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабаси

уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотларда фаолият юритиб келаётган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари учун малака ошириш ўқуви ўтказилди.

Ўқув жараёнида 25 нафар тингловчи иштирок этиб, уларга Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофазаси қилиш" тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири), корхона ва ташкилотларда сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари, касабаси уюшмалари меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича комиссиясининг меҳнат муҳофазаси ҳолатлари юзасидан жамоатчилик назорати бўйича вазифалари ва фаолияти, меҳнатда жароҳатланган ва боқувчи-

сини йўқотган шахсларга зарар тўловларини тўлаш тартиби ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш масалалари бўйича тегишли тушунтиришлар берилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар учун Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уюшмасида амалий машғулотлар олиб борилди. Машғулотларда тингловчилар касабаси уюшмаси бўйича комиссия раисининг фаолияти, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан олиб бориладиган ишлар, жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси Битими талбирларини амалга ошириш жараёнлари билан таништирилди. Уларга иш жойларида яратилган шароитлар, бахтсиз

ҳодисаларнинг олдини олишда касабаси уюшмаларининг вазифалари тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Ўқув машғулоти якунида тест сновлари ўтказилди ва тест натижалари бўйича тингловчиларга Ўқув маркази томонидан сертификатлар топширилди.

Машғулотлар давомида тингловчилар учун Муқимий номидаги драма театрида маданий талбир ташкиллаштирилди. Шунингдек, улар Алоқа тарих музейи ва Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Б.МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича бош мутахассиси

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ИНСОН ВА ҚОНУН

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида ўтказилган маърифат дарсида "Қонунларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти" мавзуси ўртага ташланди.

Қонунлар инсон тафаккурининг меваси сифатида жамият тараққиёти ва яшаш тарзини белгилаб беради. Жамият ва давлатнинг мувозанатда бўлиши ҳамда ривожланишида Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар катта ўрин тутadi.

Адолатли қонунлар қабул қилиниши учун, аввало, давлат ва жамият ҳаётидаги муаммолар аниқланиши лозим. Муаммолар жамлиниб, улар туркумлангандан сўнг, таҳлил қилинади ва унинг ечимларини топишга ҳаракат қилинади. Қонунлар инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Қонунларда, аввало, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, уни амалда таъминлаш йўллари кўрсатилади. Давлатнинг бирдан-бир манбаи инсон экан, демак, унинг барча манфаатлари қонунларда ўз ифодасини топиш керак. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини оширди. Ҳаракатлар стратегияси амалга киритилганидан буён мамлакатимизда юзга яқин қонун, икки мингдан ортқ фармон ҳамда қарор қабул қилинди. Бу одамларнинг давлат раҳбари ва ҳукуматга мурожаатлари ошиб бораётгани, юртдошларимиз мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларга бефарқ эмаслиги, ўзларини қизиқтираётган барча масалалари ва муаммолар ечими излаб топилаётгани, ҳар биримизнинг ислоҳотларда эркин иштирок этаётганимизнинг далилидир.

О.МУХУТДИНОВ,
ДФХ, подполковник

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ҲУШЁР БЎЛИНГ, ШУНДА АЛДАНИБ ҚОЛМАЙСИЗ!

XXI аср инсоният тарихида терроризм, диний экстремизм, диний ақидаларстик каби иллатлар билан алоҳида ўрин эгаллади.

Террор бундан илгари ҳам мавжуд бўлган, бироқ дастлаб унинг мақсади аниқ бир душман ёки шахсларни жисмоний жиҳатдан йўқ қилиш бўлган бўлса, ҳозирда у ўта хавфли ва даҳшатли тус олганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳозирга келиб терроризм "халқаро терроризм"га айланиб, борган сари унинг қурбонлари ҳам кўпайиб борапти. Терроризм балоси ва унинг даҳшатли асоратлари биз ва бизнинг мамлакатимиз учун янгилик эмас.

Буни тасаввур қилиш учун 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари, портлатишлар ва унинг беғуноқ қурбонларини эсга олишнинг ўзи kiffoя. Ушунда бизга ҳамлард бўлганлар ҳам, аксинча четда туриб тош отганлар ҳам бўлган. Баъзи хорижийликлар келишувчилик йўлини тутиш керак, деган гояни ҳам илгари сурган эди.

Бу фикрларни мен Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да бўлиб ўтган "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш" мавзусидаги маънавият дарсида айтганимда, ҳарбий қиём аскарлари катта эътибор билан тинглаб,

қатор саволлар ҳам беришди.

Шунингдек, улар бошқарма бошлиғи полковник Бехзод Аденовнинг бугун ҳаёнинг мафқуравий дунёсида намоён бўлаётган таҳдидлар, экстремизм ва халқаро терроризмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрларига ҳам ўз муносабатларини билдиришди.

Бу каби талбирларни бошқа ташкилотларда ҳам ўтказиб, одамларни террор хавфидан огоҳ этиш фойдалан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

С.ЧОРИЕВ,
Тошкент ҳарбий прокуратураси терговчиси, адлия катта лейтенанти

МУЛОҲАЗА

БУГУНГИ КУН ЎҚИТУВЧИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўқитувчи... Бу сўз замирида келажакимиз эгалари бўлиши ёшларни билимли, салоҳиятли қилиб тарбиялайдиган, уларни меҳнатни севишга, ёши катта инсонларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга, кичикларни иззат қилишга ўргатадиган фидойи инсонлар кўз олдимизга келади.

Дарҳақиқат, бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши керак? У, албатта, замонвий педагогик технологияларни мукамал эгаллаган, ҳар томонлама етук салоҳиятга эга, изланувчан, ўз устида мунтазам ишлайдиган, ўқувчини ҳар қандай шароитда дарсга қизиқтира оладиган бўлиши лозим. Шундагина у ақли, зукко, дунёқараши кенг ўқувчиларни тарбиялай олади.

Замонавий ўқитувчи лойиҳасини амалга ошириш мақсадида туманимиз халқ таълими муассасаларида турли семинар-тренинглр, талбирлар ўтказилди. Бунга мисол қилиб макта-

бимизда бўлиб ўтган "Бошланғич синф ўқитувчилари инновацион фаолиятини ташкил этишнинг муаммо ва ечимлари" мавзусидаги тренингни келтириш мумкин.



Бугунги кунда Зангиота туманида 44та умумтаълим мактаби фаолият юритиб келмоқда. Ушбу билим даргоҳларида 25800 нафардан ортқ ўқувчи бўлиб, улардан 11261 нафари бошланғич синфларда таълим олишади. Улар-

га 1681 нафар педагог таълим-тарбия бериб келаётир. Вилоят миқёсида ташкил этилган ушбу тренинга 21та шаҳар ва туманлардан ўқитувчи-педагоглар иштирок этишди. Ўқув-амалий тренинга Тошкент вилояти ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари иштирокида турли мавзударга амалий машғулотлар ўтказилди, туманнинг малакали ўқитувчилари эса мавзуга оид очиқ дарслар ўтиб беришди.

Бошланғич синфлар фан ойлиги доирасида ташкил этилган ушбу семинар-тренингда асосий мақсад таълим самарадорлигини ошириш, янги педагогик технологиялар ҳамда инновацион гояларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлди.

Феруза БАКИРОВА,
Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

“Ўзбектелеком” АК

ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини

Янги йил билан

муборакбод этади.

Тинчлик-осойишталик доимо

ҳамроҳингиз бўлсин!

2019

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
СІРДАРЁ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Азиз юртдошларимизни
эшик қоқиб турган

2019

йил билан чин
дилдан табриклайди.

Омад ҳар қадамда
йўлдошингиз бўлсин!

“Ўзбектелеком” АК

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

Юртни обод қилиш йўлида

фидойилик қилаётган

дуёримиз аҳлини

Янги йил

байрами билан

қизғин табриклайди.

2019

йил барчамизга муборак бўлсин!

Азиз юртдошлар!
Кепаётган йил ҳаётимизга
қувончлар олиб келсин.

2019

Жонажон Ватанимиз
янада яшнасин!

“Ўзбекистон почтаси” АЖ

НАВОЙИ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ



(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

Қасамки, жонажон Бағдодни гина қилиб тарк этмадим.

Эҳ, қанийди Бағдодла умрбод қололсам!

Мени ғам қийнади, шу боис пинҳона кетдим,

Хатто дўстлар билан хайрлашишга ҳам қолмади мадор.

Худди Одам алайҳиссалом жаннатни тарк этганидек, мен ҳам узоқ вақт бахтли яшаб келаётган уйимни тарк этдим. У ердан қарахт, қочоққа ўшаб аянчли тусда мусибатлар ва хавф-хатарлардан боши чиқмаган киши каби ортиқ учрашишга умидим йўқ ҳолда тақдирга тан бериб, гариблик сари юз тутдим.

Бахтиёр онларимдан нишона сифатида озгина пулим бор эди. Юқори қаватдаги мана шу бўш хонани ижарага олдим, лекин бу ерда лоақал бир соат ҳам туrolмадим, юрагимни ҳасрат ва ғамдан озод қиладиган дори топиш илинжида гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга кўчиб юра бошладим. Бир неча ойлик узоқ сафарга жунаб кетдим. Бир шаҳарга келиб кўндим демагунча кўнглим бошқа шаҳарни тусайверди, бир жойга қуёш чиқа бошлаганида етиб борсам, ботаётганида бошқа жойда бўлардим.

Шунга ўрганиб қолган эдим. Аммо, мактабда дарслар бошланиб қолди ва мен болалигим ўтган шаҳарга, амакимнинг уйига қайтдим. Энди одамлар орасида яшасам-да, якка яшаш орзусида ҳамон уларнинг кўзига ташланавермасдим. Мен ўзим билан ўзим бўлишга, ҳеч нарсага эътибор қилмасликка, ўтмишимни унуттишга, ўтмишимни эслатадиган барча нарсалардан қочиб яшашга қарор қилгандим.

Мактаб ва уйдан бошқа ҳеч қаерга бормасдим. Қалбимда ўтмиш кечинималаримдан ҳеч вақо қолмагани. Фақат гоҳида пайдо бўладиган ғамгина руҳимни безовта қилиб турар эди, шунда мен ўзимнинг ёлғизлигимдан аччиқ-аччиқ йиғлаб олардим. Буни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмасди, токи қалбим сокинликка эришгунча шу ҳолат давом этди.

Мен бирмунча муддат шундай яшадим. Кеча эса қанча пулим қолганини билмоқчи бўлдим. Қарангки, пулдан қолмабди ва мен бундан кейин қандай яшашимни ўйлаб қолдим, боз устига яна ўқини пулини ҳам тўлаш зарур эди. Аҳволим танг эканлигини ўйлаб анча довдираб қолдим, нима қилишимни билмасдим. Шунда китобларимни кўздан кечирдим, энг зарурларини қолдириб, қолганларини китоб бозорига олиб бордим. У ерда кун бўйи турдим, аммо китобларимни тўртдан бир баҳосига ҳам оладиган харидор бўлмади. Чарчаган ва жаҳлим чиққан ҳолда уйга қайтдим, шу лаҳзаларда мендан-да бахтсизроқ ва мендан-да гариброқ инсон йўқ эди.

ЎТИМ

(Ҳикоя)

Уй дарвозаси олдида кўшниллардан мени сўраб турган қандайдир аёлга кўзим тушди. Мен уни танидим. У амакимнинг уйидаги хизматкор аёл эди. Мен: “Сиз фалончимиз?” деб сўрадим. У: “Ҳа” деб жавоб берди. Мен у аёлдан нимага келганини сўрадим, аёл менда иши борлигини айтди. У билан ўз хонамга кўтарилидим, ёлғиз қолганимизда ундан нима гапи борлигини сўрадим. У гап бошлади: “Уч кундан буён сени қидирмаган жойим қолмади, сени на биров кўрган, на биров эшитган. Мана, охири сени бугун топдим”. Шундай деб аёл хўнграб йиғлаб юборди. Унинг йиғиси мени чўчитиб юборди. Марҳум амакимнинг уйида биров бир қор-қол бўлдимкин деб кўрқинч билан хизматкор аёлдан нимага йиғлаясиз деб сўрадим. У ажабланди: “Наҳотки амакимнинг уйида нима бўлганидан беҳабар бўлсанг?” деди. “Хабарим йўқ, — деб жавоб бердим. — Хўш нима бўлди?”. Шунда хизматкор аёл кийимининг қатидан бир хат олиб, менга узатди. Мен хатни очдим, у меннинг севглимдан эди. Мен ҳеч қачон ёлғиздан чиқмайди-ган сўзларни ўқий бошладим: “Мен билан хайрлашмасдан кетиб қолибсан, лекин бундан хафа эмасман. Аммо, бугун мен ўлим тўшағида ётибман, мен билан охириги бор хайрлашишга келмасанг, сени кечирмайман”. Қўлимдаги хатни иргитиб, эшик томон талпиндим. Хизматкор аёл энгилдан тортиб тўхтатди: “Хўжам, йул бўлсин?”. “У касал, мен уни, албатта, кўришим керак”, — деб қичқирдим унга. Аёл биров сукат сақлади. Сўнг ҳазин овозда: “Энди фойдаси йўқ, хўжам. Тақдирга тан беринг”, деди.

Юрагимда бир нима чирт узилди, бутун дунё қоронғулашди. Турган жойимда ҳушсиз йиқилдим ва анчагача шундай ётдим. Ниҳоят кўзимни очиб, тун чўкканини, ёнимда эса хизматкор аёл йиғлаб турганини кўрдим. “Эй аёл, наҳотки айтганларинг рост бўлса?” унга мурожаат қилдим. “Ҳа” деб жавоб берди у. Мен ундан ҳаммасини бир бошдан айтиб беришини сўрадим.

У қуйидагиларни ҳикоя қилди: “Сен кетганимдан кейин хўжам, амакимнинг қизи ўзини қўярга жой тополмай қолди. Сен кетган кунинг у мендан нима учун бундай қилганини сўради ва мен унга онаси айтган гапларни сенга етказганим учун кетганини айтдим. Шунда у бечора додлаб: “У шўрлик энди нима қилади! Ахир улар бизнинг муҳабба-

тимиз ҳақида билишмайди-ку!” — деди. Гуё қалбидagi яраларни даволагандай сени ҳеч эсламади. Бир неча кун ичидаёқ унинг руҳий хасталиги жисмига ўтди. У ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлади. Олинги хуснидан ном-нишон қолмади, лабларидаги майин табасум аллақайёққа ғойиб бўлди, кейин у тўшаққа бир ётиб қолганича бошқа қалдини кўтара олмади. Қизининг бу аҳволдан онанинг ёмон кайфи учди, уни турмушга бериш ҳақидаги ўйларни унутди, ахир олдинлари туну кун хаёлида фақат шу гаплар бўлар эди-да. У табиб чақиртирди ва қизига қараб туриш учун энага ҳам ёллади. Табиб ҳам, энага ҳам ёрдам бера олмади. Қизнинг кундан-кун ажали яқинлашиб келарди. Бир неча кун олдин ёнида ўтирганимда, унинг аста қимирлаб қўйганини сездим. Мен унга томон энгашидим, у қўлидан ушлашимни ишора қилди. Мен қўлидан ушладим ва у бир амаллаб туриб ўтирди, кейин соат неча бўлганини сўради. Мен: “Қоронғу тун”, деб жавоб бердим.

Уйидагиларнинг ҳаммаси уйқудалигига ва менинг бир ўзим қолганимга ишонч ҳосил қилгандан сўнг: “Амакимнинг ўгли қаердалигини биласанми?” деб сўради. Мен хайрон қолдим, чунки у кўздан буён сен ҳақингда гапирмаган эди-да. “Ҳа, у қаердалигини биласанми”, — дедим. Аслида сенинг қаердалигини билмасдим, лекин у бечорани ноумид қилмаслик учун шундай дедим. Барибир унинг қуни битган эди. У мендан: “Ҳеч кимга билдирмасдан менинг хатимни унга етказасанми?” — деб сўради. Мен: “Бу нарса қўлимдан келмас-ов, хоним...” дедим. Аммо, у сиёҳонни сўради ва қўлингидagi мана шу хатни ёзди. Тонг отгач, уйдан чиқдим-да, сени қидиришга тушдим. Ҳар бир ўткинчининг юзига тикилиб қарайман, сенга ўхшатаман, лекин у бошқа бўлиб чиқарди. Яна қуёш бота бошлади, кеч кирди ва мен уйга қайтдим. Уйга яқинлашганимда қўлогимга гуянда хотинларнинг товуши чалинди ва мен ажал ўқи нишонга текканини, ўзининг таровати ва гўзаллиги билан оламни тўлдириб турган ажойиб атиргул сўнги япроғини тўкканини англадим. Мен ёлғиз боласини йўқотган она каби унга жуда куондим. Дарҳақиқат, ўша кунни ҳамма йиғлади. Мен учун

Мустафо
МАНФАЛУГИЙ

энг оғири шу бўлдики, у умрининг охири дақиқаларида сени кўришни умид қилган эди ва бу орзуси ушалмай қолди. Мен бу хатни яшириб юриб, сени ахтардим ва охири топдим”.

Мен у аёлга миннатдорлик билдириб, кузатиб қўйдим. У кетди... Бир ўзим қолгач, кўзимни қоронғулик қоплатганини сездим ва ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Сизни кўрмагунимча нималар бўлганини эслай олмайман”.

Ҳикоясининг шу жойига келганда йигитча оғир хўрсинди, шунда мен унинг юраги ана-ана ёрилади деб ўйладим. Мен унга томон энгашиб: “Нима бўлди, хўжам”, — деб сўрадим. “Ўз қалбимни бироз бўлса ҳам таскин топтириш учун бир томчигина кўз ёши истадим, аммо қани у?”, деди ва жим бўлиб қолди. Кейин бир нималар деб шивирлаётган-дек туюлди. Мен яна унга энгашидим ва у сени деди: “Эй, Худо, сен менинг ёруғ дунёда кимсасиз, ёлғиз эканимни биласан. Мен бир камбағал одамман, менинг суянчим ҳам, қўллаб-қувватловчим ҳам йўқ. Мен заифман, нотавонман, тирикчиликка қаердан пул топишни билмайман. Бахтсизлик мени ёмон забтига олди, юрагим сўнги марта уряпти... Эй Худо, ахир сен ўзинг менга жон ато қилгансан, мен сенинг амрингга шаккоқлик қилиб, ўз жонимга қасд қилолмайман. Шу боис, уни ўзинг ол, менга берган омонатингни ол, ўз даргоҳингга қайтар, Сенинг паноҳингда, Сенинг ҳузурингда бўлиш қандай бахт”.

Шундай деб, йигитча бошини чағаллаганча заиф овозда: “Бошим ёняпти, юрагим эса оғриқдан тарс ёрилай деляпти. Менинг умрим оз қолганга ўхшайди... Аллоҳ ўз амрини баҳо келтиргач, сиз мени севгини ёнига кўмишга ва мана бу хатни лаҳадга мен билан бирга қўйишга ваъда берасизми?”, — деб сўради. Мен: “Яхши, Аллоҳдан руҳингизни энгил қилишини сўрайман”, дедим. “Энди мен хотиржам жон бераман”, — деди у. Бу унинг сўнги сўзлари эди.

Бахтсиз йигитча борасидаги қайғум унинг васыятини адо этганимдан сўнг хил энгиллашгандай бўлди. Мен уни ўша амакимнинг қизи ёнига дафн қилдирдим ҳамда ўша қиз ўз олдига келишини сўраб ёзган хатни ҳам бирга қўйдим. Тирикликда бу чақирқиққа кела олмаган йигитча ҳар қалай ўлгандан кейин етиб келди-ку.

Шундай қилиб, икки мурғак қалб бирлашди. Ҳаётлик даврларида бу ёруғ оламда уларга жой йўқ эди, аммо ўлганларидан сўнг эса олдий лаҳад уларга бошпана бўлди.

Рус тилидан
Фахриддин
МУҲАММАДИЕВ
таржимаси

2018 йил: ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

ЭНГ УНУМЛИ АНДРОИД СМАРТФОНЛАР

Гаджетлар унумдорлигини таққословчи AnTuTu компанияси Android амалий тизимида ишловчи 2018 йилнинг энг оммавий смартфонларини маълум қилди.

Рейтингда энг юқори ўринни Xiaomi Mi 8 Explorer Edition смартфони эгаллади. Экспертлар 2-ўринга Samsung Galaxy S9+ни, 3-ўринга Meizu 16thни қўйишди.

Huawei Mate 10 Pro, Oppo Find X ва Meizu 16th Plus смартфонлари 4-6-ўринларни бўлишиб олди. 7-ўринга OnePlus 6, 8-ўринга Huawei Mate 10, 9-ўринга эса олдинга сурилиб чиқувчи олд камерага эга Vivo NEX Ultimate қўйилган.

Этакчи ўнталикнинг сўнгги ўринини Samsungнинг яна бир қурилмаси — Galaxy S8+ эгаллаган.



ЭНГ БАЛАНД БИНОЛАР

Баланд иншоотлар ва урбанистика бўйича кенгаш — СТВУН 2018 йилда баландлиги 200 метрдан юқори бинолар энг кўп қурилган мамлакатларни аниқлади.

Хитой бу рейтингда этакчи, мамлакатда ана шундай осмонўпарларнинг 88таси қурилди. Буларнинг умумий баландлиги 21 556 метрга етди.

Кейинги ўринда — АҚШ, умумий узунлиги 3 343 метрли 13та иншоот. Учинчи ўринда БАА бўлиб, амирликларда “устма-уст қўйилса” 2 665 метр чикувчи 10та осмонўпар бино қуриб битказилди.

2018 йилнинг энг баланд биноси Хитойда тикланди. Пекиндаги Citic Tower офис минорасининг баландлиги — 528 метр. 2018 йилда жаҳон бўйича жами 1478та осмонўпар бино қуриб битказилган.



ЭНГ ЯХШИ ФИЛМЛАР, АКТЁРЛАР

People's Choice Awards мукофоти учун 2018 йилнинг энг яхши картинасига Marvel студиясининг “Қасоскорлар: Абадият жағи” фильми лойиқ деб топилди.

Мазкур мукофот 1975 йилдан буён томошабинларнинг умумий овози бўйича ҳисобланиб келади. Ҳозирда овоз бериш учун интернетдан фойдаланилса, 2005 йилга қадар ташкилотчилар сўронома орқали голиб номини аниқлаб келган.

Энг яхши актриса номинациясида “Қасоскорлар”да суратга тушган Скарлетт Йоханссон голиб чиқди. “Қора пантера” филмида бош ролни ижро этган Чедвик Боузмэн “Энг яхши актёр” номини қўлга киритди.



ЭНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАР

TripAdvisor 2018 йилнинг энг оммабоп диққатга сазовор масканларини эълон қилди.

2018 йилда энг оммабоп диққатга сазовор маскан Римдаги Колизей бўлди.

Кейинги ўринларда Римдаги Ватикан музейи, Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкали, Париждаги Лувр музейи ва Эйфел минораси жойлашди. Энг оммабоп масканлар ўнталигига шунингдек, Барселонадаги Базилика Саграда-Фамилия, Сан-Францискодаги Олтин дарвоза кўприги, Британиядаги Стоунхенж, Версал саройи ва Венциядаги Гранде канали кирди.



ЭНГ ЁМОН ФИЛМЛАР

The Hollywood Reporter журнали кинотанқидчилари 2018 йилнинг энг ёмон филмларини аниқлашди.

Омадсиз филмлар рўйхатининг энг юқори погонаси Жон Траволта иштирокидаги “Готти кодекси”га nasib этди. Иккинчи ўринни “Робин Гуд: Ибтидо” фильми эгаллади.

Рўйхатдан, шунингдек, “Ҳаётнинг ўзи”, “Веном”, “Қарсилдоқ ва тўрт киролик”, “Ўтда қолган Лос-Анжелес”, “Шарли чақмоқ операцияси”, “Вақт синиги” ва “Суспирия” каби филмлар ўрин олди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД БАЙРАМ АРЧАСИ ҚАЕРДА ЎРНАТИЛДИ?

Марказий Осиёдаги энг баланд янги йил арчаси Туркменистон пойтахти Ашхобода ўрнатилди. Бу ҳақда мамлакатнинг оммавий ахборот воситалари хабар берган.

Туркменистоннинг байрам арчаси баландлиги — 38 метр.

Иккинчи ўринда — Тошкент арчаси. Баландлиги 35 метрли Ўзбекистоннинг бош байрам арчаси пойтахтнинг Мустақиллик шоҳ кўчаси, Ёшлар ижод саройи ёнидаги очик майдонда ўрнатилган.

Душанбедаги янги йил арчасининг баландлиги — 28 метр. Бишкек ва Остонадаги байрам арчалари баландлиги бир хил — 25 метр.



ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

МАЪРИФАТ-ЛА МУНАВВАР ОЛАМ

Кутубхоналар ҳақида гап кетгудай бўлса, маърифат маскани, нурхона дея таъриф берилади. Бу жудаям тўғри баҳо, деб ўйлайман.

Мен раҳбарлик қилаётган ахборот-ресурс маркази 1929 йили — Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи билан биргаликда ташкил қилинган. Ўша вақтда алоқа ходимлари етиштириб берувчи Ўрта Осиёда ягона билим даргоҳи кутубхонасидан кимлар фойдаланиб, кимлар юқори марраларга эришмади, дейсиз. Бугунги кунда бизда ўқиб кетган мутахассисларни ҳар бир корхонада учратиш мумкин. Улар ичида юқори лавозимларда меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб улуш қўшаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Айни пайтда марказимиз фондида дарсликлар, ноёб адабиётлар, энциклопедия, маълумотнома ва бадий адабиётлардан иборат 45 000га яқин китоб мавжуд. Ҳар бирида 85 нафардан китобхон муталаа қилиши мумкин бўлган

иккита ўқув зали, интернет тармоғига уланган 19та компютер ва бошқа техник жиҳозлар фойдаланувчилар хизматида. Бизда китобларни бешикаст, бета-лафот сақлаш учун ҳамма шароитлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича 2017 йилнинг 12 январидан эълон қилинган фармойиши ҳамда ўша йилнинг 13 сентябридаги қарори ижросини таъминлаш асносида ўқувчи-китобхонлар билан мунтазам равишда шеърхонлик, китобхонлик кечалари, турли мавзуларда давра суҳбатлари, саҳна кўринишларини ўтказиб келяпмиз.

Кейинги йилларда кутубхоналарга эътибор ортиб, аҳоли ўртасида китобхонликни ривожлантириш кенг тарғиб қилиняпти. Ёш китобхонлар иштирокида босқичма-босқич танловлар ўткази-

лаётгани, голибларнинг автомашиналар билан мукофотланаётгани ҳукуматимиз раҳбарларининг эртამиз эгалари ҳисобланмиш ёшларнинг маърифатли, маънавиятли қилиб тарбиялаш йўлидаги ишларининг бир қисми, ҳолос.

Зеро, инсон китоб ўқир экан, ундаги ёмон феъл-атвор ўринини эзгуликлар эгаллайди. Қалби гўзалликка, саватта ошно кишилардан эса фақатгина яхшилик кутиш мумкин.

Мен республикамиз аҳолиси, жумладан, халқимизни сифатли алоқа билан таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча алоқачиларни қириб келаётган янги — 2019 йил билан табриклар, ҳаммаларига мустаҳкам соғлиқ, ишларида ривож тилайман. Китоб ҳар бир онланнинг дўстига, маслакдошига айланишига тилакдошман.

Нилуфар ҚУРБОНОВА,
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи
АРМ раҳбари

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 381-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисобрақамига 2018 йил 20 декабрда Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish jam'armasi томонидан 115 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди.

Мазкур ҳомийлик пули Жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2019 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

АТ “Алоқабанк” жамоаси банк бошқаруви раиси Коммуна Ирисбековага онаси
Люба ИРИСБЕКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

“ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ” филиали жамоаси

**БАРЧА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ
СОҲАСИ ЖОНКУЯРЛАРИНИ,
ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ**

Янги - 2019 йил

БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

► БАЙРАМ ТАЪТИЛИ

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЯНГИ ЙИЛДА НЕЧА КУН ДАМ ОЛИШАДИ?

Президентнинг тегишли фармониға мувофиқ, ўзбекистонликлар беш кун давомида дам олишади.

29 декабр (шанба) кунини ўзбекистонликлар ишлайди, чунки дам олиш кунини 31 декабрга (душанба) кўчирилди.

Дам олиш кунлари 30 декабр (якшанба) кунидан бошланади. 1 январ (сешанба) байрам кунини, иш бўлмайди. 2 январ (чоршанба) “қўшимча ишланмайдиган кун”, деб эълон қилинди. 3 январ (пайшанба) кунини ўзбекистонликлар 5 январ ҳисобидан дам олишади.

- 2018 йил 30 декабр — якшанба (тақвимга кўра, дам олиш кунини);

- 2018 йил 31 декабр — душанба (29 декабрдан кўчирилган дам олиш кунини);

- 2019 йил 1 январ — сешанба (байрам, ишланмайдиган кун);

- 2019 йил 2 январ — чоршанба (қўшимча ишланмайдиган кун);

- 2019 йил 3 январ — пайшанба (5 январдан кўчирилган дам олиш кунини).

Кейинги йилнинг 5 январ (шанба) кунини ўзбекистонликлар ишга чиқиши керак бўлади.

Президент фармонида айтилишича, қўшимча ишланмайдиган кун ишчиларнинг йиллик меҳнат таътили давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобидан қопланади.



Гезетанинг келгуси сони 2019 йил 5 январ кунини чоп этилади

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатта олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Гезетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета ҳафтанинг
жума кунини
чиқарилади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1243 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 2791 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРҚАМОЛОВА.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Видеот
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99